# Очиқ дарси завқи

Жорий йилнинг 10 март куни биринчи жуфтликда “Қишлоқ хўжалиги машиналари” кафедраси катта ўқитувчиси Исаков Алижон Абдумиталипович “Ғалла комбайнининг дон тозалаш, сомон элагич қисмлари, кинематик режимлари” мавзусида очиқ дарс ўтказди.

Очиқ дарсда қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш йўналишининг 3 та гуруҳ талабалари ҳамда факультет ва бошқа турдош институтлардан таклиф этилган профессор – ўқитувчилари иштирок этишди.

Дарс ўтиш жараёнида А.Исаков янги педагогик технологиялардан ҳамда мавзу бўйича маълумотларни компьютер техникалардан фойдаланилган ҳолда, слайдлар ва роликлар ёрдамида талабаларга тўлиқ етказиб берди.

Маъруза талабалар билан жонли мулоқотда ўтказилиб, катта ўқитувчи А.Исаков томонидан барчанинг қизиққан саволларига тўлиқ маълумотлар берилди.

Дарс сўнгида А.Исаковнинг маърузаси факультет ва бошқа турдош институтлардан таклиф этилган профессор – ўқитувчилар томонидан муҳокама этилди ва ижобий баҳоланди.

**“Қишлоқ хўжалигини механизациялаш” факультети маънавий–маърифий ишлар бўйича**

**декан ўринбосари Икром Рахимов ахбороти**

**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**